

Бизнинг фикримизча, корхоналар ушбу кўрсаткични қўллаётганда ишлаган иш кунларидан келиб чиқиб белгилаши ёки иш кунини аниқлашнинг имкони бўлмаса, умумий ҳолда йилнинг якшанба кунлари чегирилган ҳолда 313 (312) кун олиниши мақсадга мувофиқдир. Таклиф этилган ушбу тартиб бўйича таҳлил қилинганда, қуйидаги натижаларга эришилади:

$$A_{\text{мес.}} = \frac{(TMЗ_{\text{ў.й.қ.}} * 360)}{C_{\text{с.м.х.}}} \quad \text{ёки,}$$

$$A_{\text{мес.}} = \frac{(TMЗ_{\text{ў.й.қ.}} * 312)}{C_{\text{с.м.х.}}}$$

Агар корхонанинг ҳақиқатда ишлаган кунлари ҳисоб-китоб қилинса, бу кўрсаткич янада ижобий қўринишга эга бўлади.

Шундай қилиб, юқорида билдирилган таклиф ва тавсияларимизни қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда товар-моддий захиралар таҳлилини ташкил қилишда, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, ички резервларни аниқлаш, уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ҳамда фаолияти узлуксизлиги таъминлашга кенг имконият яратади деб ҳисоблаймиз.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2020 йил 28 декабрь.
2. Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective /Roger H. Hermanson, James Don Edwards, Michael W. Maher. 6th ed., Irwin, Printed in the USA, 1995. 926 p.
3. Бригхэм Ю., Эрхардт М. Финансовый менеджмент. Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2009. – С. 118-132.
4. Пардаев М.Қ. ва бошқ. Молиявий таҳлил. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. 368 б.
5. Савчук В.П. Управление финансами предприятия. Монография. –М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2011. –С. 179.
6. “Ўзқурилишматериаллари” уюшмаси таркибидаги йирик цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий ҳисоботи маълумотларидан олинди.
7. <https://w3.unecse.org> сайти маълумотлари асосида ишлаб чиқилган

**ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ВА ҲУДУДИЙ КОНЪЮНКТУРАСИ: ЖОРИЙ ҲОЛАТ ТАҲЛИЛИ**

**Абдуллаева Севарахон Хасановна -  
Фарғона политехника институтининг докторанти**

**Аннотация.** Тўқимачилик саноати маҳсулотлари юқори қўшилган қиймат даражасига эга, валюта тушуми учун қулай, мамлакат бюджетининг даромад қисмини шакллантирадиган ҳамда ижтимоий дастурларни амалга ошириш манбаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ушбу саноат тармоқ аҳолини иш жой ва даромад билан таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади. Шунга қўра, тўқимачилик саноатининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрнини эътиборга олган ҳолда соҳа кўрсаткичларини таҳлил этиш асосида ундаги мавжуд, аммо фойдаланилмаган имкониятларни аниқлаш зарур ҳисобланади.

**Таянч сўзлар:** тўқимачилик саноати, мамлакатларнинг экспорт таркиби, етакчи мамлакатлар, инновацион ва сифатли дизайн, калава-ип импорти

**Аннотация.** Продукция текстильной промышленности имеет высокий уровень добавленной стоимости, удобна для валютных поступлений, составляет часть доходов бюджета страны и является одним из источников реализации социальных программ. Эта отрасль также играет важную роль в обеспечении людей рабочими местами и доходами. Соответственно, учитывая положение текстильной промышленности в развитии экономики, необходимо определить основные, но неиспользуемые возможности в ней на основе анализа показателей отрасли.

**Ключевые слова:** текстильная промышленность, структура экспорта стран, страны-лидеры, инновационный и качественный дизайн, импорт пряжи.

**Annotation.** Textile industry products have a high level of added value, are convenient for foreign exchange earnings, make up part of the country's budget revenues and are one of the sources of social programs. This industry also plays an important role in providing people with jobs and income. Accordingly, taking into account the position of the textile industry in the development of the economy, it is necessary to determine the main, but unused opportunities in it based on the analysis of the industry indicators.

**Key words:** textile industry, export structure of countries, leading countries, innovative and high-quality design, import of yarn.

**Қириш.** Енгил саноат жаҳон саноат мажмуасининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Жаҳон ялпи маҳсулотининг

қарийб 6 фоизи, саноат мажмуасида банд бўлганларнинг еса 14 фоиздан ортиғи унинг ҳиссасига тўғри келади.


Мамлакатлар ўртасида савдо алоқаларининг йўлга қўйилиши, шунингдек барча янги давлат ва ҳудудларнинг халқаро товар айланмасига жалб этилиши жаҳон бозорини ўзгаришига ва ишлаб чиқариш соҳасидаги рақобатнинг кучайишига ҳамда бозорларни кундалик истеъмол ва техник маҳсулотлар билан тўйинтириш жараёнларининг жадаллашувига сабаб бўлмоқда. Сўнги бир неча йиллар давомида евро курсининг ошиши ва бир қатор мамлакатларнинг тадбиркорлик фаолиятини пасайиши натижасида энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш стагнацияси юзага келди ҳамда жаҳон бозорида асосий ўринни эгаллаб келган ишлаб чиқарувчилар ўзгарди.

Ҳозирда энгил саноати соҳасида етакчи бўлиб Хитой, Ўрта ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, шунингдек сўнги йилларда жадал ривожланаётган Жанубий Америка мамлакатлари ҳисобланади. Ушбу мамлакатларда энгил саноати миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун устувор тармоқ сифатида эълон қилинган. 2020 йилгача бўлган давр мобайнида ушбу мамлакатларнинг ишлаб чи-

қариш тармоқлари ва ривожланаётган бозорлари жаҳон иқтисодиётининг катта қисмини, АҚШ ва Европа мамлакатларининг иқтисодиётига нисбатан даромад ўсишининг юқори улушини ташкил этди [3].

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада илмий абстракциялаш, мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Жаҳон мамлакатларининг экспорт таркиби билан мамлакатимиз экспортини солиштириш асосида шундай хулосани шакллантириш мумкинки, энгил саноат, хусусан Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноатида бир неча йиллар давомида юқори қўшимча қийматга эга бўлган пировард маҳсулотларнинг улуши 30 %ни ташкил этган. Етакчи жаҳон мамлакатлари энгил саноатининг экспорти таркибининг асосий улушини эса айнан тайёр маҳсулотлар – кийим-кечак, трикотаж, тери ва поябзал, мўйна ва мўйнадан тайёрланган маҳсулотлар ташкил этади.



1-чизма. **Энгил саноат маҳсулотлари экспортининг жаҳон миқёсидаги таркибий тузилиши**

Ривожланаётган мамлакатларда давлатнинг сезиларли кўмаги билан тўқимачилик саноатининг жадал ривожланишига эришилган бўлиб, натижада ишлаб чиқариш кучларини қайта тақсимлашга зарурият юзага келди. Хусусан, оммавий ишлаб чиқариш марказлари ҳисобланган Ғарбий Европа ва АҚШ каби мамлакатлардаги хом-ашёга дастлабки ишлов берувчи корхоналар ўз фаолиятини иш ҳақи харажатлари, яъни ишчи кучи қиймати паст бўлган–Ўрта ва Жануби-Шарқий Осиё, Жанубий Америка каби мамлакатларга кўчирди. Юксак даражада ривожланган мамлакатларда эса ишлаб чиқариш юқори технологияларга

асосланган бўяш ва якуний ишлов беришга, инновация ва сифатли дизайнга асосланган юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, юқори синфдаги замонавий, техник жиҳатдан мураккаб ҳамда махсус тўқимачилик, яъни бу соҳадаги энг сўнги ишланмаларни қамраб олган – “ақли” тўқимачилик учун мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилди.

Жаҳон энгил саноатининг ривожланиши Дунё аҳолиси сонининг доимий кўпайишига, турмуш фаровонлигининг яхшиланишига ва маҳсулот сотиб олиш имкониятининг ошишига бевосита боғлиқ. Ўтган ўн беш йил


мобайнида савдо айланмаси ҳажми 2 баробардан зиёдга ошди. Мато, кийим ва поябзал истеъмоли Европа Иттифоқи давлатларида 90,5 фоизга, Америка қўшма штатларида 99,3 фоизга, Японияда 2 мартадан кўпроқ ҳажмга ошди. Россиянинг енгил саноати ишлаб чиқариш қуввати бўйича дунёнинг кўплаб етакчи мамлакатларидан устун бўлишига қарамай, жаҳон савдо айланмасининг атига 1,9 фоизини ташкил этади.

Дунё миқёсида тўқимачилик маҳсулотларининг импорти ҳажмида АҚШ бугунги кунда тўқимачилик маҳсулотларининг энг йирик импорт қилувчиси ҳисобланади, хусусан унинг ҳиссаси 9,5 фоизга тенг. АҚШ Жанубий-Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси каби мамлакатларнинг маҳсулотларини сотиб олиш ҳисобига импорт қилинадиган тўқимачилик маҳсуортлари ҳажмини оширишга мувофиқ бўлмоқда. АҚШ дан кейин Гонконг умумий импорт ҳажмининг 8 фоизини, Хитой 7 фоизни, Франция ва Италия 5 фоиздан тўқимачилик маҳсулотларининг асосий импорт қилувчилари бўлиб ҳисобланади. Тўқимачилик маҳсулотларини импорт қилишдаги каби, кийимларнинг глобал импортида ҳам АҚШ устунлик қилади, яъни жаҳон миқёси бўйича ҳисобланган импорт ҳажмининг 30 фоизи айнан ушбу мамлакатга тегишли. Иккинчи ўринда эса Германия – 11 %, учинчи ўринда Япония – 9 %. Шу ўринда, Япония Осиё мамлакатлари билан арзон ишчи кучи юзасидан минтақавийлаштиришни амалга оширганлиги сабабли мамлакат импорт ҳажмини ўсиши-

га эришди. Осиё мамлакатларида япон ишлаб чиқарувчилари турли фаолият турларини йўлга қўйди ва ўз ишлаб чиқариш жараёнларини кўчирди. Бошқа мамлакатлар каби, ишлаб чиқариш фаолиятини учинчи дунё мамлакатларига қайта жойлаштиришга эришганликлари сабабли Англия ва Франция мамлакатларининг импорт ҳажми мос равишда 7 ҳамда 6 фоизга ўсди.

2010 йилдан 2018 йилгача бўлган давр мобайнида пахтадан тайёрланган ипнинг сотув ҳажми дунё бўйлаб 12,6 млн. тоннадан 13,8 млн. тоннага ошиб, 9,4 фоизлик ўсиш қайд этилди.

Ўзбекистонда ҳам тикувчиликда фойдаланиладиган иплардан ташқари асосан чакана савдо учун мўлжалланмаган калава ипни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, ишлаб чиқариладиган калава ипларнинг 85 фоизини пахта толаси ташкил этади. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган калава-ипнинг ушбу турдаги маҳсулотлар жаҳон экспорти ҳажмидаги улуши 3,5 % бўлиб, унинг қиймати 1750 млрд. долл.ни ташкил этади. Шунингдек, Business Stat маълумотларига кўра Ўзбекистон жаҳонда таркибининг 85 фоизини пахта толаси ташкил этган калава-ипни экспорт қилувчи етакчи мамлакатлар рейтингда 7 – ўринни эгаллайди. Хусусан, Ҳиндистон, Покистон ва Ветнам калава-ипни экспорт қилувчи асосий мамлакатлар бўлиб ҳисобланади. Улар ҳисобига дунё бўйича экспорт қилинадиган калава-ипнинг деярли ярим улуши тўғри келади.



2-чизма. Ўзбекистоннинг калава-ип экспортини амалга оширишчи мамлакатлар ичида тугган ўрни, жамига нисбатан фоиз ҳисобида

Дунё бўйлаб калава-ип сотув ҳажмининг ошишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бу тўқимачилик корхоналари томонидан шакллантириладиган талаб бўлиб ҳисобланади. Табиий толадан ишлаб чиқариладиган кийим-кечакларга аҳоли талабининг ошиши ҳамда дунё аҳолиси сонининг кўпайиши бевосита тўқимачилик корхоналарига ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш заруратини шакллантиради. 2019 йил якунларига кўра калава-ипдан ишлаб чи-

қариладиган маҳсулотлар ҳажми 16,3 млн. тоннани ташкил этган. [5].

Бирлашган миллатлар статистикаси томонидан шакллантирилган “Жаҳон калава-ип бозорининг 2010-2017 йиллардаги таҳлили ҳамда 2018-2021 йилларга мўлжалланган прогноз” маълумотномага кўра ушбу маҳсулот бозорининг жорий конъюнктура ҳолатини ва унинг ривожланиш истиқболларини баҳолаш мумкин.

1-жадвал


Калава-ипнинг жаҳон бўйича импорти, 2010-2018 йиллар

Кўрсаткичлар	Йиллар					2010-2017 йилларда ўсиш
	2010	2011	2012	2014	2018	
Импорт, млн. долл.	12 961,1	14 522,4	12 776,4	15 294,2	15 788,4	2827,3
Динамика, олдинги йилга нисбатан %да	-	12,0	-12,0	19,7	3,2	21,8

Манба: United Nations Statistics Division, UN Comtrade Database, Busines Stat

Таҳлил натижаларига кўра, 2018 йилда калава-ипнинг жаҳон бўйича импорти 15 788,4 млн.долларни ташкил этиб, ўтган йилларга нисбатан ўртача 4,5 фоизга ўсганлиги аниқланди. Калава-ип импорт нархининг 2012 йилда 2011 йилга нисбатан ўртача 18,6 фоизга тушганлиги 2012 йилдаги импорт ҳажмини 12 фоизга пасайишига сабаб бўлган. Ушбу йилларда Хитой калава-ип импортини амалга ошириш бўйича мутлақ етакчи бўлиб, умумжаҳон импорт ҳажмида унинг улуши 2010 йилдаги 24,7 фоиздан 48,0 фоизгача ўсган.

Прогноз натижаларига кўра эса, 2022 йилга қадар калава-ип импорти қиймати уни етказиб бериш нархи ва ҳажми ошиши билан ўсиб боради. 2022 йилда импорт қиймати 24,22 млрд. долларни ташкил қилиши прогноз қилинган бўлиб, ўз навбатида бу натижа 2015 йилга нисбатан деярли 43 фоизга юқориқ бўлиши белгиланган. Маҳсулотга талаб ҳажмининг энг кўп ўсиши Гонконг (158,7 %), Туркия (156,6 %) ва Хитой (151,1 %) мамлакатларида юзага келиши кутилмоқда, натижада эса ушбу мамлакатлар калава-ипнинг жаҳон миқёсидаги импорт ҳажмида ўз улушларини ошириш имкониятига эга бўладилар.



3-чизма. 2015 ва 2019 йилларда калава-ипнинг жаҳон миқёсидаги импортида етакчи мамлакатлар улуши

Манба: Busines Stat

Сўнги бир неча ўн йиллик давомида ривожланаётган мамлакатлар тўқимачилик маҳсулотларининг жаҳон бозорида ўз улушларини сезиларли даражада оширишга эришди. Хусусан, ушбу мамлакатлар ичида Хитой энг йирик экспортёр ҳисобланади, ундан кейин эса Гонгонг (экспорт маҳсулотларининг асосий ҳажмини Хитойдан реэкспорт қилади), Жанубий Корея, Тайван. АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг тўқимачилик саноатидаги улушларини ривожланаётган мамлакатларга ўтказган ҳолда, тўқимачилик маҳсулотларини энг йирик сотиб олувчи мамлакатларига айланганлар [4].

Ривожланган мамлакатлардан Италия қимматбаҳо ҳамда юқори сифатли мато ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобига тўқимачилик саноатининг етарли даражада муҳим улушини (ЕИ даги тўқимачилик маҳсулотининг 1/3 қисмидан кўпроғини) сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

**Хулоса.** Ривожланган мамлакатларнинг тўқимачилик саноати таркибини таҳлил қилиш асосида шундай хулосани шакллантириш мумкин, фикримизча, соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда, хусусан трикотаж ва нотўқима материаллар ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб, ишлаб чиқариш жараёни бошқа турдаги матоларга нисбатан кам меҳнат талаб қилмоқда. Трикотаж ишлаб чиқариш бўйича АҚШ қолган барча тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи мамлакатларга нисбатан етакчи ҳисобланади (ЕИ га нисбатан 3 баробар кўп).

Тўқимачилик маҳсулотлари бозорининг муҳим асосларидан бири пахтадан тайёрланган матонинг жаҳон бозори ҳисобланади.

Ўтган йилларда ушбу маҳсулотнинг ташқи савдо айланмаси деярли 42,8 трлн. долларни ташкил этган, ундан 33,8 фоизи экспорт улушига тўғри келган. Пахтадан тайёрланган матонинг талабгорлари кўп бўлсада, ҳозирда жаҳон бозорларидаги рақобатнинг кучайиши, технологияларнинг ривожланиши ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг камайтирилиши юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш тизимини ривожлантириш бўйича тўқимачилик корхоналарида қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда. Хусусан:

- тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини тизимли ташкил этган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш номенклатурасини кўпайтириш, яъни фақат калава-ипни ишлаб чиқаришга ихтисослашишни олдини олиш;

- тўқимачилик ва трикотаж матоларини истеъмолчилар талабларга мос ҳолда бўяшни ташкил этиш. Бу ўз навбатида, тўқимачилик корхоналари томонидан импорт қилинаётган матолар учун сарфларни камайтириш имконини беради;

- тўқимачилик корхонасида бўялган ва ярим тайёр материал кўринишига келтирилган матолардан юқори қўшимча қийматга эга бўлган пировард маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жорий этиш;

- сунъий кимёвий толалардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўриш, яъни чекланган юқори сифатли пахта толаларини ўрнини боса оладиган сунъий толалардан пировард маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. *BusinesStat*. <https://businesstat.ru>
2. *United Nations Statistics Division*. <https://unstats.un.org/home>
3. *Sevarakhon Abdullaeva*. [Improving of organizational mechanism of leasing](#). // *Scientific Bulletin of Namangan State University* – 2019. Doi <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1669&context=namdu>
4. *Abdullaeva Sevarakhon KHasanovna* / [Issues of Ensuring Economic Stability in the Textile Industries](#). // *JournalNX* – 2020. VOLUME 6, ISSUE 12 Doi <https://media.neliti.com/media/publications/335549-issues-of-ensuring-economic-stability-in-de5aaa9.pdf>
5. *GM Davlyatova, CX Abdullaeva*. (2019) [Systemic principles and regularities of commercial enterprise as a socio-economic system](#). // *Journal of Economy and Business*, (6-1). p.95. Doi <https://dx.doi.org/10.24411/2411-0450-2019-10827>. <https://cyberleninka.ru/article/n/18235040>
6. *Gafurova F.S., Davlyatova G.M*. (2019) *Identification and mobilization of reserves of the rational use of resources as a factor of increasing production efficiency. Problems of modern science and education*, 12 (145) Part 1. P.52. Doi <https://portal.issn.org/resource/ISSN/2413-4635>